2017 йил 2 июнь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 115 (13.448)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДА НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ, ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ЮРИТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда республикамизда ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, таъсирчан назоратни таъминлаш ва ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри соҳасида муносабатларни комплекс тартибга солишда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ер ресурсларини тизимли ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш, давлат кадастрларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси картография фондини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури доирасида ер қонунчилигига риоя этиш юзасидан доимий мониторинг қилиш тизими ишлаб чиқилди ва жорий қилинди, кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш ишлари ташкил этилди, 21 давлат кадастрининг интеграциялашувини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Миллий геоахборот тизимини ташкил этиш ишлари бошланди.

Шу билан бирга, ердан фойдаланиш ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ерлардан фойдаланишда мунтазам давлат назоратини таъминлаш, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, ер ресурсларини тизимлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш ишлари етарли даражада самарали бўлмаяпти.

Соҳага юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, илмий тадқиқот ишларини тезкор ва самарали амалга оширишда тармоқнинг моддий-техника базаси бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Амалдаги ходимлар сони, айниқса қуйи поғонада, ер ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш ва уларнинг тўлиқ ҳисобини юритиш имконини бермаяпти.

Соҳанинг етакчи хорижий ташкилотлари билан яқин алоқалар ўрнатиш, илғор халқаро тажрибаларни чуқур ўрганиш ва қўллаш, мутахассисларнинг амалиёт ўташлари ва малакаларини оширишни ташкил этишга етарлича эътибор қаратилмаяпти.

Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш юзасидан назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида:

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улар содир бўлганида ҳаракат қилиш бўйича яхлит давлат тизими ва унинг мувофиқлаштирувчи органи Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди, соҳанинг зарур меъёрий-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, бошқа вазирлик ва идораларнинг фавқулодда вазиятлар профилактикаси, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича имкониятларини мустаҳкамлаш борасида кўлами ва мазмунига кўра салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш борасида кўрилаётган чоралар тизими фаолияти самарадорлигининг таҳлили шуни кўрсатадики, республика аҳолиси ва ҳудудларини муҳофаза қилиш соҳасида бир қатор муаммоли масалалар мавжуд:

биринчидан – табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудлар хавфсизлигини таъминлашни прогнозлаш, хавфни баҳолаш, кузатиш ва назоратини амалга ошириш масалалари билан шуғулланувчи бир қатор ихтисослаштирилган муассасалар фаолият юритаётган бўлишига қарамасдан, фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва прогнозлашнинг таъсирчан тизими яратилмаган, бунинг оқибатида зилзилалар, хавфли гидрометеорологик ҳодисалар, экзоген геологик жараёнлар, техноген хусусиятли авария ва ҳалокатларнинг таҳдидини ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларнинг юз бериш хавфини аниқлаш тўлиқ амалга оширилмаяпти;

иккинчидан – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг амалдаги ташкилий-штат бирлиги ва шахсий таркибининг камлиги фавқулодда вазиятлар профилактикаси ва уларнинг оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларни кенг кўламли ва самарали амалга оширишни таъминламаяпти;

учинчидан – айрим шаҳар ва туманларда қуйи бўғин мавжуд эмаслиги ва ривожланмагани фавқулодда вазиятлар бўлимлари томонидан профилактик чора-тадбирларни мамлакатимизда тизимли равишда амалга оширишга имкон бермаяпти, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш борасида аҳоли билан кенг қамровли мулоқот олиб бориш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан самарали ҳамкорлик қилишни таъминламаяпти;

тўртинчидан – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг профессионал қутқарув отрядлари маъмурий марказларда жойлашгани олис туманларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва улар содир бўлганда қутқарув отрядларининг жалб этилишида муайян қийинчиликлар туғдириб, уларни фақат фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларигагина жалб этиш билан чекланилади;

*(Давоми 2, 3-бетларда)*

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун янги турар жой биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Ҳарбий шаҳарчада ҳар бири 2 хонадонга мўлжалланган иккита бир қаватли ва 20 хонадонга мўлжалланган битта 2 қаватли уйга 24 оила кўчиб кирди. Маҳаллий иқлим шароити ҳисобга олиниб барпо этилган 2 ва 3 хонали замонавий уйга кўчиб ўтганидан ҳарбийлар, айниқса, уларнинг оила аъзолари жуда хурсанд.**

**• Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида ўтказилган тиббиёт ходимларининг III минтақавий конгресси "Инсон ва саломатлик" деб номланди. Тадбирда маҳаллий ва хорижлик мутахассислар кардиология, антибиотикотерапия, неврология, акушерлик ва гинекология, педиатрия, эндокринологияда, айниқса, мураккаб касалликларни комплекс даволашда дори воситаларини қўллаш бўйича тажриба алмашди.**

**• Тошкент вилояти Янгийўл иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши томонидан "Одам савдосига қарши курашиш ва ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш – долзарб масала" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

**• Сирдарё вилояти маънавият ва маърифат марказида Ўзбекистон Бадиий академияси аъзолари Одилжон Аҳмедов ва унинг турмуш ўртоғи Камола Аҳмедованинг "Янги нафас" деб номланган илк ижодий кўргазмаси очилди.**

**• Нукусда 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Спорт барча учун ва ҳар биримиз учун" шиори остида минифутбол бўйича мусобақа бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**• Шри-Ланкада кучли ёғингарчилик сабаб юз берган сув тошқинлари ва кўчкилар қурбонлари 202 нафарга етди, 96 киши бедарак йўқолган. Мамлакат фавқулодда вазиятлар бошқармаси маълумотларига кўра, табиий офат туфайли 77 мингдан ортиқ киши ўз уйини ташлаб чиқишга мажбур бўлган, 1,5 мингдан зиёд бинога зарар етган. Шри-Ланка қуролли кучлари Ҳиндистон ҳарбий-денгиз кучлари кўмагида қидирув-қутқарув ишларини давом эттирмоқда.**

**• Дубайда биринчи робот-полициячи хизмати фаолияти йўлга қўйилди. У ҳозирча кўчаларда, жамоат жойларида полиция патрули вазифасини бажаради. Робот полиция ходимларига қоидабузарларни топишга ёрдам беради ҳамда тегишли видеотасвирларни тақдим этади. Робот-полициячининг бўйи 170 сантиметр, оғирлиги – 100 килограмм бўлиб, у 1,5 метр масофадан имо-ишоралар ва қўл орқали сигналларни таний оладиган "ҳис-туйғулар детектори" билан жиҳозланган.**

**• Массару Абе исмли япониялик мотоциклчи мопеднинг фақат орқа ғилдирагида юриб, 500 километрдан кўпроқ йўл босиб ўтди. Бу билан у 25 йил аввал ўрнатилган 330 километрлик рекорд натижани ортда қолдира олди. Абе аслида 600 километр йўл босишни мақсад қилган эди. Бироқ 13 соат бир алфозда юриши оқибатида пайдо бўлган кучли оғриққа чидай олмади. Ушбу узоқ муддатли "саёҳат" Япониядаги "Kawaguchi Auto Race" автодромида ўтказилган бўлиб, 33 ёшли мотоциклчига аввалги рекордни янгилаш учун 8,5 соат кифоя қилди.**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2016 ЙИЛДАГИ ВА 2017 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

***1 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар парламент назорати доирасида Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йилдаги ҳамда 2017 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.***

Эслатиб ўтамизки, ҳисобот сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг илгари бўлиб ўтган мажлисларида дастлабки тарзда кўриб чиқилган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев республикамизда бошланган тизимли демократик ислоҳотларнинг ва мамлакатимизни модернизация қилишнинг сўзсиз давом эттирилишини, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга ҳамда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишини, шу жумладан Давлат бюджетининг барча даражалардаги мутаносиблигини, миллий валютанинг ва ички бозордаги нархлар даражасининг барқарорлигини сақлаб қолишга, иқтисодиётда, биринчи навбатда, саноатда ва қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантиришга ва улар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган вазифаларнинг бажарилишини 2017 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишлар сифатида белгилаб берди.

"World Economic Outlook" Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, 2016 йилда жаҳон иқтисодиёти ўртача 3,1 фоиз ошди, ташқи савдо ҳажми эса атиги 1,9 фоиз ошган бўлиб, бу эса инвестициялар ҳажмининг 2015 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 13 фоиз пасайгани билан боғлиқдир.

Мажлисда таъкидланганидек, ушбу шароитда, Давлат бюджети тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ ва 132 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда профицит билан ижро этилди. ЯИМнинг ўсиши 7,8 фоизни, саноат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми тегишинча 6,6 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, аҳоли жон бошига реал ялпи даромадлар 11 фоиз, бюджет ташкилотлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдори тегишинча 15 фоиз ошди.

*(Давоми 3-бетда)*

*Дунёда болаларнинг кулгисию шўх-шодон қийқириғидан-да беғубор нарса бўлмаса керак. Осмон мисол мусаффо, тим қора кўзларини сизга қадаганча, бийрон тилда тинмай савол бераётган, мурғак қалби билан оламдаги жамики ажойиботларни ўрганиш, мушоҳада қилишга уринаётган болакайнинг нурли чеҳрасига боққан ҳар қандай инсон ҳаёт ташвишларини унутади.*




## ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

Зотан, фарзандининг саодатли ва бахтиёр дамларини мудом кўриб яшаш ҳар бир инсон умрининг асосий мазмунидир. Бугун давлатимиз томонидан ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ривожланиши, маънан етук вояга етишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият, Халқ таълими бош бошқармалари, Адлия бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ, "Қизил ярим ой" жамияти шаҳар бўлимлари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Ҳар бир болага меҳр, эътибор!" шиори остида ташкил этилган байрам тадбирида бу жиҳатлар алоҳида намоён бўлди.

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни кенг дунёқарашли, теран тафаккурли, жисмонан ва маънан етук инсон этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани тадбирда алоҳида таъкидланди. Хусусан ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши йўлида турли ижтимоий лойиҳалар, хайрия акциялари, театрлаштирилган томошалар, концерт дастурлари, фестиваллар, ижодий кўрик-танловлар, кўргазмалар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Кам таъминланган оилалар фарзандлари, алоҳида эҳтиёжли болалар учун маданият ва истироҳат боғлари, театрлар, музейлар, тарихий обидалар, ботаника ва ҳайвонот боғларига саёҳатлар ташкил этилаётир. Бу каби тадбирлар болаларнинг билимини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

*(Давоми 3-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

***Тошкент шаҳридаги Халқаро ҳамкорлик марказида 1 июнь куни Ўзбекистон – Франция бизнес-форуми бўлиб ўтди.***

Тадбирда икки мамлакатнинг сармоя, савдо, иқтисодиёт, банк-молия, энергетика, ахборот технологиялари, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология, экология, атроф-муҳит муҳофазаси, транспорт ва коммуникациялар, логистика, авиасозлик, қурилиш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси Азим Аҳмадхўжаев, Франциянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Виолен де Вильмор ва бошқалар Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. "MEDEF International" Франция корхоналари ҳаракати делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида ташкил этилган ушбу анжуман кўп томонлама алоқаларни фаоллаштиришга, мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларига киритилаётган сармоя ҳажмини янада оширишга хизмат қилади.

Франция – Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан бири. Мамлакатларимиз макроиқтисодиёт, молия, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш учун кадрлар тайёрлаш йўналишида самарали ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, 2016 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 264,8 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Бизнес-форумда франциялик ишбилармонларга мамлакатимиз инвестициявий ва иқтисодий соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хорижий сармоядорлар учун яратилган имкониятлар ҳақида маълумот берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 31 мартдаги фармони билан Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ташкил қилингани мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларига инвестиция киритиш ҳажмини янада кенгайтиришга, сармоявий муҳитни такомиллаштиришга, хорижий давлатлар, халқаро молия институтлари, етакчи хорижий компания ва банк тузилмалари билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштиришга хизмат қилиши қайд этилди.

– Франция Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди, – деди "MEDEF International" Франция корхоналари ҳаракатининг Франция – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши раиси Кристоф Фонтэн. – Бизнес-форумда Франциянинг энергетика, авиасозлик, транспорт, сув хўжалиги, қурилиш, юқори технологиялар, консалтинг каби соҳаларга ихтисослашган 22 компанияси вакиллари иштирок этмоқда. Келгуси учрашувларимизда делегациямиз таркибига туризм соҳасида фаолият юритувчи соҳа мутахассисларини ҳам жалб этиш ниятидамиз. Зеро, бу соҳадаги ҳамкорликнинг ҳам истиқболи катта. Ўзбекистонда ўз фаолиятимизни янада кенгайтириш, икки томонлама алоқаларни фаоллаштиришдан манфаатдормиз.

Икки мамлакат ишбилармонлари бизнес-форум доирасидаги давра суҳбатларида атроф-муҳит, сув ресурслари ва муниципал хизматлар, ахборот технологиялари ва коммуникациялар, транспорт ва логистика, саноат, энергетика ҳамда қишлоқ хўжалиги каби соҳаларга оид ҳамкорликни янада ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш масалаларини атрофлича муҳокама қилди. Ўзаро манфаатли янги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишиб олинди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДА НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ, ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ЮРИТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат назоратини ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ишлари қониқарсиз, деб ҳисоблансин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, геодезия ва картография соҳаси фаолияти бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш;

ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тизимли давлат назоратини, давлат геодезия назоратини қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан уни бузганлик учун айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш орқали амалга ошириш;

ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ерларни сақлаш ва муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, геодезия ва картография фаолияти самарадорлигини кучайтириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат ер кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, ҳудудлар давлат кадастрини, шунингдек, Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

учувчисиз аппаратлардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги ерларини, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва парваришлашни мониторинг қилиш, геодезия маълумотлари ва картография материалларидан фойдаланган ҳолда сунъий йўлдош навигация тизими ишлашини таъминлаш;

аэрокосмик суратга олиш, топография-геодезия, картография, тупроқшунослик, геоботаникага оид ва бошқа изланишлар ҳамда тадқиқотларни, ерларни масофадан зондлаш, геодинамик тадқиқотлар маълумотлари ва материалларидан фойдаланган ҳолда, картографик мониторингни амалга ошириш;

кўчмас мулк объектларининг электрон маълумотлар базасини, кўчмас мулк баҳосини бозор қийматида баҳолашга босқичма-босқич ўтиш учун давлат кадастрлари геоахборот тизимларини яратиш ва доимий равишда янгилаб бориш;

соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан, давлат хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида фуқароларга ҳамда тадбиркорлик субъектларига тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш;

ер тузиш, геодезия, картография ва давлат кадастри соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро грантларни жалб этиш;

ер тузиш, геодезия, картография ва давлат кадастрлари бўйича тизимли равишда кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишни таъминлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг:

давлат кадастрлари, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳалари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга масъул ҳисобланадиган, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимини жорий этиш;

туманлар (шаҳарлар)нинг ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг филиаллари этиб, қайта ташкил этиш;

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтини Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибидан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларининг асосий манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари томонидан ерлардан хўжасизларча фойдаланганлиги ёки уларни яроқсиз ҳолга туширганлиги, хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқилганлиги, давлат ер кадастрини юритиш қоидалари бузилганлиги, чегара ва чеклов белгиларининг йўқ қилинганлиги ёки шикастланганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ солинадиган жарималарнинг 100 фоизи;

фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳуқуқини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирилмаганлиги учун ундириладиган жарималарнинг 10 фоизи;

кадастр ҳужжатларини техник хатловдан ўтказиш ва расмийлаштириш бўйича давлат хизматларига белгиланган нархларни 25 фоиз ошириш ҳисобига тушадиган маблағларнинг (солиқлар ҳисоблангандан кейин) 100 фоизи;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағлари:

ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри органлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари тизимига қўшимча равишда киритилаётган штат бирликларини сақлашга;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тизими органлари ходимларини рағбатлантириш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга йўналтирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида"ги ПФ-3502-сон Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб, ҳисоблансин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 31 май*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДА НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ, ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ЮРИТИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Кейинги йилларда республикада ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, таъсирчан назоратни таъминлаш ҳамда ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри соҳаларидаги муносабатларни комплекс тартибга солишга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Республикамиз учун ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган суғориладиган ерлар 4,3 миллион гектарни, ёки мамлакат умумий майдонининг 9,6 фоизини ташкил этиб, уларда барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 95 фоиздан ортиғи етиштирилади.

Дастурий чора-тадбирлар доирасида тизимли равишда ер ресурсларини ҳисобга олиш ва ерлардан фойдаланишни назорат қилиш, кўчмас мулк объектлари, картографик фондни такомиллаштириш юзасидан ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида ер қонунчилигига риоя этиш бўйича доимий мониторинг қилиш тизими ишлаб чиқилиб жорий этилди, кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш, 21 давлат кадастрининг интеграциялашувига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Миллий геоахборот тизимини ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар қуйидагиларни кўрсатмоқда:

жойларда ердан ноокилона фойдаланишнинг ўз вақтида олдини олиш бўйича ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда етарли даражада тизимли ишлар амалга оширилмаяпти;

қишлоқ аҳоли пунктларида ва маҳаллаларда, айниқса, олис ҳудудларда ерлардан фойдаланиш ҳолатини мунтазам мониторинг қилиш ишлари етарли даражада олиб борилмаяпти;

мавжуд ходимлар сони ер ресурсларидан фойдаланишни назорат қилиш ва уларнинг ҳисобини юритишни тўлиқ амалга ошириш имконини бермаяпти.

Юқоридаги камчиликлар ерлардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш, шунингдек, тармоқда қонун ҳужжатларига риоя этиш устидан тўлақонли таъсирчан назоратни таъминлаш имконини бермаяпти.

Республикамиз ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, шунингдек, соҳа фаолиятини такомиллаштириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қабул қилинган ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

ердан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, картография ва геодезия фаолияти бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан тизимли давлат назоратини ҳамда қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши бўйича давлат геодезия назоратини амалга ошириш;

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ер тузиш, ердан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш соҳаларида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, ер ресурсларидан фойдаланиш ҳамда ердан фойдаланиш истиқболини ва схемаларини прогнозлаштириш ва режалаштиришда қатнашиш;

учувчисиз аппаратлардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги ерларини, қишлоқ хўжалиги экинлари ва уларни парваришлашни мониторинг қилиш, геодезик маълумотлар ва картографик материаллардан фойдаланган ҳолда сунъий йўлдош навигация тизими ишлашини таъминлаш ва бошқалар.

Қабул қилинган ҳужжатда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтини Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибидан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тасарруфига ўтказиш кўзда тутилган.

Бу ўз навбатида қўмитага юкланган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш имкониятини яратади, институт билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар ўтказиш орқали, биринчи навбатда тупроқнинг таркиби ва махсус илмий лабораторияларда тупроқдаги барча жараённи ўрганиш орқали суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва уларнинг балл-бонитети аниқланади.

Давлат кадастрларини юритишни ташкил этиш даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг ўринбосари лавозими жорий этилди. У давлат кадастрлари соҳасини мувофиқлаштириш, тизимга илғор ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ва халқаро муносабатларни ривожлантириш ишларига масъул этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига, унинг ҳудудий бўлинмаларига мавжуд штатларга қўшимча равишда 937 та муҳандис-ер тузувчилар штат бирлиги, шундан 92 фоизи қўмитанинг туман бўлимларига берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган қарорида қўмита тизимининг ташкилий тузилмаси, қўмита марказий аппаратининг тузилмаси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг намунавий тузилмаси ва ходимларининг чекланган умумий сони тасдиқланди.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини самарали ташкил қилиш, соҳага илғор фан-техника ютуқларини жорий этиш, моддий-техника базасини янгилаш, тармоққа халқаро грантларни жалб қилиш чора-тадбирлари дастури тасдиқланган.

Қўмита ва унинг ҳудудий бўлинмалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларини хизмат автомашиналари, жойлардаги мутахассисларни замонавий ўлчов асбоблари, хизмат хоналари билан таъминлаш белгиланган.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қонун ҳужжатларига риоя этилиши назоратини таъминлаш каби асосий вазифаларни бажариш учун қўмита ва унинг ҳудудий органлари ўзларининг ваколатлари доирасида судларга бериладиган даъво аризалари бўйича давлат божи тўлашдан озод этилмоқда.

Мазкур Фармон ва қарорнинг амалга оширилиши:

биринчидан, республикамиз ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш;

иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ерларидан, айниқса, суғориладиган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш юзасидан қаттиқ назорат ўрнатиш, шунингдек, республика ер фонди ҳисобини юритишни тизимлаштириш;

учинчидан, замонавий юқори технологияли техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа мутахассисларига юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

бешинчидан – ҳудудларда фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш, прогнозлаш, олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш масалаларига жалб этилиши лозим бўлган бошқарув органлари, куч ва воситаларни мувофиқлаштирувчи таъсирчан механизмлар мавжуд эмас;

олтинчидан – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилмаларини замонавий авария-қутқарув техникалари, асбоб-ускуналари, анжомлари ва алоқа воситалари билан таъминлаш даражаси қониқарсизлигича қолмоқда;

еттинчидан – аҳоли ва ҳудудларни табиий офатлар ва техноген авариялар хавфидан муҳофаза қилиш бўйича муаммоларни ҳал қилишда республиканинг илмий-тадқиқот салоҳиятидан амалда тўлиқ фойдаланилмаяпти;

саккизинчидан – фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва прогнозлаш, уларнинг хавфи тўғрисида аҳолини хабардор қилиш ва огоҳлантириш, шунингдек, қутқарув ишларини олиб боришга жалб этилиши лозим бўлган куч ва воситаларни мувофиқлаштириш ва бошқариш ишларига замонавий ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этиш ишлари суст олиб борилмоқда;

тўққизинчидан – аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими замонавий талабларга жавоб бермайди, келгусида ушбу соҳада ишловчи профессионал кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизими мавжуд эмас.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини фавқулодда вазиятлар таҳдиди ва хавфини олдиндан бартараф этадиган, аҳоли ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилганда ўз вақтида ва комплекс ёрдам кўрсатишга қаратилган фаолият олиб борадиган, унинг ҳар бир ходими "Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш" шиори остида хизмат қиладиган мобиль, замонавий профессионал хизматга айлантириш;

аҳоли, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ва ёшлар билан мулоқотларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш, аҳоли ва ҳудудлар хавфсизлигига таҳдидлар, табиий ва техноген хусусиятли хавфлар манбалари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, туман ва шаҳарлардаги куч ва воситаларни самарали тақсимлаш, аҳоли ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилганда ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатувчи турли хизматларнинг тезкор ҳаракатини мувофиқлаштирувчи механизмларни яратиш;

фавқулодда вазиятлар содир бўлиши хавфининг чуқур таҳлилини ва аниқлашни назарда тутувчи фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва прогнозлаш тизимини такомиллаштириш, республика ҳудудларини сейсмик хавфлар, техноген авария ва ҳалокатлар манбалари бўйича районлаштириш;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, мол-мулкига хавфларни барвақт профилактика қилиш ва уларнинг олдини олиш, ҳаётий фаолиятни таъминловчи объектлар ва тизимларнинг барқарор ишлашини, таҳдидлар ва уларнинг келиб чиқиш омилларини олдиндан аниқлаш, бартараф этиш борасида аниқ чоралар кўриш, аҳолининг ушбу соҳада маълумотларга эга бўлиш даражасини оширишни таъминлаш;

Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, шунингдек, кичик ҳажмли кемаларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш ва сув ҳавзаларида одамлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида давлат назорати ва кузатувини кучайтириш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ваколатига эга раҳбарлар ва мансабдор шахслар томонидан оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда фуқароларни фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ҳаракат қилишга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш, шунингдек, вазирлик учун кадрларни шакллантириш тартибини тубдан қайта кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, гидрометеорологик ва сейсмологик хизматларнинг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ўқув ва илмий-техника базасини модернизация қилиш, илмий ходимлар, мутахассислар ва қутқарувчиларнинг самарали ишлаши учун муносиб шароитлар яратиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг барча босқичларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган мақсадли ва илмий-тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, улар юз берганда иқтисодиёт объектлари фаолияти барқарорлигини ошириш.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига белгиланган тартибда берилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорологик хизмат маркази таркибий тузилмалари билан биргаликда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ғ.А.Мавлонов номидаги Сейсмология институтининг тезкор хабарлар хизмати ва сейсмик хавфнинг сейсмологик мониторинги ва прогностик мониторинг республика тармоғи.

Белгилансинки, Гидрометеорологик хизмат маркази ва унинг таркибий тузилмалари, Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, Сейсмология институтининг тезкор хабарлар хизмати ва сейсмик хавфнинг сейсмологик мониторинги ва прогностик мониторинг республика тармоғи мавжуд штат бирлиги ва моддий-техника базаси билан тўлиқ, амалдаги молиялаштириш тартиби, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби билан ўтказилади.

3. Берилаётган Сейсмология институтининг тезкор хабарлар хизмати ва сейсмик хавфнинг сейсмологик мониторинги ва прогностик мониторинг республика тармоғи базасида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази ташкил этилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ғ.А.Мавлонов номидаги Сейсмология институти Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2915-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тасарруфига топширилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси негизида Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги марказий аппарати таркибида Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси ташкил этилсин.

5. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тинчлик ва ҳарбий даврда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш, гидротехника иншоотларининг барқарор ишлаши, гидрометеорологик ва сейсмологик кузатувлар, кичик ҳажмдаги кемалардан бехатар фойдаланиш, сув иншоотларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавфи ва омилларини олдиндан аниқлаш, улар вужудга келишини барвақт профилактика қилиш ва олдини олишни таъминлаш;

аҳолига фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига хавф-хатар туғилганда комплекс ёрдам кўрсатиш, халқ билан мулоқотни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан бу борада ўзаро яқин ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, мавжуд хавф-хатарлар тўғрисида аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш ва хабардор қилиш;

фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаро муҳофазасини ривожлантириш ва бошқарувини таъминлаш;

фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши ва ривожланиши хавфини комплекс мониторинг ва прогноз қилишни таъминлаш, мазкур соҳада гидрометеорологик ва сейсмик кузатувлар олиб бориш;

аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий хокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини, ушбу мақсадлар учун молиявий, озиқ-овқат, тиббиёт ва моддий-техника ресурсларининг давлат захира фондларини ташкил этишга доир ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, мамлакат аҳолиси ва ҳудудларини муҳофаза қилиш, гидротехник иншоотлар, кичик ҳажмли кемалардан фойдаланиш хавфсизлигини самарали назорат қилиш, сув ҳавзаларида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар юзага келганда иқтисодиёт объектлари фаолиятининг барқарорлигини оширишга қаратилган тадбирларни тайёрлаш, ўтказиш ва мувофиқлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳамда мақсадли илмий-техника дастурлари ишлаб чиқишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолини, мансабдор шахсларни ҳамда Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тузилмаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тизимли тайёрлаш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

*(Давоми 3-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1, 2-бетларда)*

юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, гидрометеорологик ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳукумат ва ҳудудий комиссияларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи 1-3 иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Қуйидагилар Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳукумат комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга қаратилган энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг вазифаларини белгилаш ва қарор қабул қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ҳар йили фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган фуқаро муҳофазаси (баҳор мавсумида) ҳамда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш (куз мавсумида) ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг авария, ҳалокат, табиий ва бошқа офатлар оқибатида жабрланган фуқаролар, шунингдек, фавқулодда вазиятларни бартараф этишда иштирок этган шахсларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш, тиббий реабилитация қилиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

молиявий ва моддий ресурслар давлат захираларини ташкил этишни таъминлаш, шунингдек, улардан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш борасида халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаш.

Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш комиссияларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, хавфи юқори бўлган объектларнинг мустаҳкамлигини ошириш, фавқулодда вазиятларда иқтисодиёт тармоқлари фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш бўйича ташкилий ва муҳандислик-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга идоравий бошқарув органлари, куч ва воситалар шайлигини таъминлашда иштирок этиш, объектларда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, жумладан, объект ходимларини эвакуация қилиш ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун идоравий молиявий ва моддий ресурслар захирасини ташкил этиш ва улардан фойдаланишга раҳбарлик қилиш;

фавқулодда вазиятларда жабрланган аҳолини, жумладан, фавқулодда вазиятларни бартараф этишда бевосита иштирок этган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича жойларда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини назорат қилиш ва текшириш.

Қуйидагилар шаҳар ва туманлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш комиссияларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, авария, ҳалокат, табиий офатлар зарари ва оқибатларини камайтириш тадбирларини амалга ошириш;

бошқарув органлари куч ва воситаларининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга шайлигини таъминлашда иштирок этиш;

авария-қутқарув тузилмаларини, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш тадбирларини таъминлаш харажатларини қоплашда ишлатиладиган молиявий ва моддий-техника ресурслари захира жамғармаларини ташкил этиш.

7. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизимини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин, унда қуйидаги устувор йўналишлар назарда тутилсин:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ташкилий-штатлар тузилмасини такомиллаштириш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ходимларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг малакасини ошириш механизмларини такомиллаштириш;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда фан ва техника ютуқларини татбиқ этиш;

қутқарув тузилмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини такомиллаштириш.

Белгилансинки, вазирлик ва идоралар раҳбарлари Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.

8. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси (А.Ж.Раматов):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари вазирлик ва идоралар билан бирга Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг тўлақонли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминласин;

вазирлик ва идоралар мутахассислари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг етакчи олимлари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб этган ҳолда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳи тузсин, уларнинг самарали ишлашини ташкил этсин;

қонун ҳужжатларининг чуқур танқидий таҳлилини, амалиётда қўллашни ва илғор хориж тажрибасини ўрганиш, шу асосда Дастурда назарда тутилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни таъминласин;

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини мунтазам ва сифатли тайёрлаш, ўз вақтида кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш юзасидан доимий назоратни амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов):

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини, шунингдек, фуқаро муҳофазаси соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳаларини бир ҳафта муддатда киритсин;

бир ой муддатда "Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси ва ҳудудий комиссиялар тўғрисида"ги Низомни тасдиқласин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига Фармондан келиб чиқадиган қўшимча ва ўзгартиришлар тўғрисида таклифлар киритсин;

уч ой муддатда вазирлик бўлинма ва муассасаларининг ўзига хос хусусияти ва мақсадларини ҳисобга олган ҳолда тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш учун уларни жойлаштириш, жиҳозлаш ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш тадбирлари тўғрисидаги дастурни тасдиқласин.

10. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Маҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 1 июнь*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини камайтириш ва самарали бартараф этиш аҳолининг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини таъминлаш, мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт тармоқлари жадал ривожланаётгани, ишлаб чиқариш технологияларининг мураккаблашиб бораётгани, ишлаб чиқариш объектларининг аҳоли пунктларига яқин жойлаштирилаётгани, аҳоли сони кўпайиб, урбанизация жараёни тезлашаётгани, хавфли табиий жараёнларнинг тез-тез содир бўлаётгани ва кўлами кенгайиб бораётгани, шунингдек, трансчегаравий хавфларнинг мавжудлиги табиий ҳамда техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар пайдо бўлиш хавфини янада оширмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли ва ҳудудларни табиий офатлар, техноген авария ва фалокатлардан ҳимоя қилиш бўйича яхлит давлат тизими, зарур меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек, аҳолини фалокатлар пайтида ҳаракат қилишга тайёрлаш борасида кўлами ва мазмуни жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, амалдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизими фаолиятининг таҳлили мамлакат аҳолиси ва ҳудудларини табиий офатлар, техноген авария ва ҳалокатлардан муҳофаза қилишга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор муаммоли масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва прогнозлаш тизимини янада модернизация қилиш талаб этилади. Ушбу тизим бугунги кунда хавфли гидрометеорологик ҳолатларнинг мавжуд хавф-хатарларини ҳамда улар юз берганда ҳаракат қилиш механизмларини манзилли аниқлаш имконини бермайди.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда ҳимоя қилиш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш учун мамлакатимизнинг мавжуд илмий салоҳиятидан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Қутқарув тузилмаларининг моддий-техника таъминоти, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда ҳимоя қилиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, фуқароларни бундай вазиятлар рўй берганда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш, хавфли табиий жараёнлар кучайиши билан боғлиқ мавжуд хатарлар, шунингдек, техноген авария ва ҳалокатлар хавфи тўғрисида ўз вақтида ва аниқ хабардор қилиш тизими бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Ҳужжатда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизими фаолиятини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг вазифалари белгиланди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, Кичик ҳажмли кемалар давлат инспекцияси, шунингдек, Фанлар академияси Сейсмология институтининг Тезкор хабарлар хизмати Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимига ўтказилди.

Юқорида қайд этилган ташкилотларнинг вазирлик тизимига ўтказилиши муносабати билан тинчлик ва ҳарбий даврда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, гидротехник иншоотларнинг барқарор ишлаши, гидрометеорологик ва сейсмологик кузатувлар, кичик ҳажмдаги кемалардан бехатар фойдаланиш, сув ҳавзаларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавфи ва омилларини олдиндан аниқлаш, улар вужудга келишини барвақт профилактика қилиш ва олдини олишни таъминлаш ҳамда бошқа вазифалар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг янги асосий вазифалари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу Фармони фавқулодда вазиятлар ривожланиш хавфи юқори бўлган туманларда (шаҳарларда) фавқулодда вазиятлар бўйича қўшимча бўлимлар ва қутқарув отрядлари ташкил этиш орқали Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимининг салоҳиятини мустаҳкамлаш ва қуйи бўғинларини кенгайтиришга қаратилган.

Мазкур Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари раҳбарлигида Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳукумат комиссияси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туман шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ҳам шундай ҳудудий комиссиялар ташкил этилганини таъкидлаш зарур. Уларнинг таркибига аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишни таъминлашда иштирок этадиган барча даражадаги мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарлари киритилди.

Қуйидагилар Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳукумат комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар шаҳарлар ҳокимликларининг вазифаларини белгилаш ва қарор қабул қилиши бўйича таклифлар тайёрлаш;

ҳар йили фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган фуқаро муҳофазаси (баҳор мавсумида), аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш (куз мавсумида) ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг авария, ҳалокат, табиий ва бошқа офатлар оқибатида жабрланган фуқаролар, шунингдек, фавқулодда вазиятларни бартараф этишда иштирок этган шахсларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш, тиббий реабилитация қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш.

Ҳужжатда аҳоли билан мулоқотни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, "Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш" шиори остида аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур Фармонда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тизими самарадорлигини ошириш, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этиш, шунингдек, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Фармонни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари имзоланди.

Мазкур ҳужжатларда кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши амалдаги Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлигини тубдан ошириш, шунингдек:

биринчидан – халқ билан мулоқотни мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлик орқали фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чора-тадбирларни ўз вақтида тизимли асосда қабул қилиш;

иккинчидан – фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва прогнозлаш борасидаги ишларни сезиларли даражада яхшилаш ва сифатини ошириш, гидрометеорологик ва сейсмик кузатувлар бўйича ишларни тизимлаштириш, йирик гидротехник иншоотлар ва сув объектларида фавқулодда вазиятлар пайдо бўлиш хавф-хатарларини барвақт аниқлаш;

учинчидан – фавқулодда вазиятларда комплекс ҳаракат қилиш тезкорлигини ошириш ва уларнинг зарарини камайтириш;

тўртинчидан – маҳаллий корхоналар негизида асосий турдаги авария-қутқарув техникаси, мулк ва ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ишларини ташкил қилиш имконини беради.

# ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2016 ЙИЛДАГИ ВА 2017 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш давомида депутатлар ушбу соҳадаги ишларнинг жорий ҳолатини танқидий равишда таҳлил қилдилар.

Жумладан таъкидланганидек, жаҳон бозорларида конъюнктура барқарор эмаслигини ва рақобат кучайиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда инвестицияларни жалб этишда 2017 йилги Инвестиция дастурига киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз ҳудудларига сафарлари чоғида ишлаб чиқилган лойиҳаларнинг сўзсиз бажарилишига биринчи даражали эътиборни қаратиш даркор.

Давлатимиз раҳбарининг парламент томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланган ташаббусига кўра Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойда мамлакатимизнинг турли ҳудудларига борадилар ва 10-12 кун мобайнида жойлардаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини ўрганадилар. Бундай амалиёт кўплаб муаммоларнинг ҳақиқий сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш имконини беради. Ўрганишлар якунлари шундан далолат берадики, уй-жой коммунал хизмат тизимидаги, транспорт ва йўл хўжалигидаги, аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларидаги, яъни Давлат бюджетининг салкам 60 фоизи сарфланадиган ижтимоий йўналишдаги камчиликлар мамлакатимиз минтақалари аҳолисини ташвишлантираётган энг долзарб масалалар ҳисобланади.

Бу борада бугунги кунда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурини ижро этиш мақсадида йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилишга, соғлиқни сақлаш тизимини, таълим ва спортни такомиллаштиришга қаратилган 100 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўз навбатида, қабул қилинган қонун ҳужжатларида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун жиддий молиявий маблағлар талаб этилади.

– Фуқаролар манфаатларини таъминлаш бевосита тадбиркорликни ривожлантиришга, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажаришга, самарали бюджет-солиқ сиёсатини юритишга, шунингдек, инвестициялар ҳажмини изчил кўпайтиришга боғлиқдир, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси А.Шодмонов. – Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида замонавий ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда, шу орқали, хусусан, мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражаси ва сифати ошмоқда. Бугунги мажлисга тайёргарлик давомида депутатлар жорий йилнинг 30 май куни Тошкентда бўлиб ўтган ҳамда инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг боришини танқидий таҳлил этиш ва баҳолашга бағишланган видеоселектор кенгашида давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларни ўргандилар ва таҳлил қилдилар.

Мажлис давомида депутатлар вазирликлар ва идоралар билан биргаликда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини ошириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишда халқ депутатларининг тегишли Кенгашлари билан ҳамкорлик қилиш борасида олдинда турган аниқ вазифаларни белгилаб олдилар.

Мажлис якунларига кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йилдаги ҳамда 2017 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати**

# ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*



Сўлим боғнинг кираверишида болажонлар ва ота-оналарни эртак қаҳрамонлари чорлаб, карнай-сурнай садолари жаранг сочди. Боғнинг очиқ саҳнасида болажонлар учун махсус байрам дастури, ёш санъаткорлар иштирокида концерт намойиш этилди. Тадбир давомида "Баркамол авлод" болалар ижодиёт марказининг кўргазмалари, Ўзбекистон давлат цирки томошалари ташкил қилинди.

– Истиқлол йилларида мамлакатимизда болаларимизнинг бахтиёрлиги ва баркамоллиги йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларни санаб адоғига етиш қийин, – дейди Яшнобод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик органи мутахассиси Дилором Ғуломова. – Келажагимиз ворислари бўлган болаларнинг Бош қомусимиз ва амалдаги қонунларимизда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳаётдаги ифодаси, ёшларнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан узвий бўлган жараёндир. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилгани ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қатор қонунларда бола ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилганлиги натижасида ёшларимиз мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритаётганлиги кўнгилларни фахрга тўлдиради.

Боғнинг кичик саҳнасида "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция" юзасидан соҳа мутахассислари ҳамда мазкур соҳада таълим олаётган ўқувчилар иштирокида викторина ўйинлари ўтказилди.

– Болаликнинг беғубор дамлари нақадар тотли бўлишини ёш улғайган сари ҳис қила бошлайди инсон, – дейди нафақадаги Муҳаббат Баҳромова. – Ҳур юртимизда келажак авлод тақдири йўлида қилинаётган ҳар бир саъй-ҳаракат ўз натижасини бериши шубҳасиз. Мазкур боғда ташкил этилган байрам тадбири барча ўғил-қизларга хурсандчилик бахш этди. Кўп йиллар давомида ошпазлик соҳасида ишлаб, ҳозирда нафақадаман. Набиралар тарбияси билан шуғулланмоқдаман. Боғда ташкил этилган тадбирга икки набирам билан келдик. Набираларим инглиз, рус тилларига, рақс, тикувчиликка қизиқиб, тўгаракка боришади. Тадбир давомида ҳуқуқий билимларини янада юксалтиришга хизмат қилувчи "Ҳуқуқ билимдони" викторинасида қатнашган катта набирам совға олишга ҳам муяссар бўлди.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қошидаги рақс дасталари, "Баркамол авлод" болалар ижодиёт марказларининг истеъдодли ўғил-қизлари томонидан дилбар рақслар ижро этилди. Болажонларнинг дилини шод этиб, қувончига қувонч қўшган байрам тадбирида бадиий гимнастика, шарқ яккакураши чиқишлари, шахмат-шашка, стол тенниси мусобақалари, асфальтга расм чизиш бўйича кўрик-танлов ўтказилди.

– Биз учун шундай байрамни ташкил этган ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирамиз, – дейди Учтепа туманидаги 229-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Покиза Суюнова. – Биз боғда нафақат байрамни нишонладик, балки ўз истеъдодимизни ҳам намоён этиш имконига эга бўлдик. Расм чизишга кичкиналигимдан қизиқаман. Боғда тенгдошларим ва укам Асилбек билан биргаликда расм чизиш бўйича танловда иштирок этдик. Бу эса менда катта таассурот қолдирди. Асфальтга "Бахтли болалик" мавзуида расм чиздим.

Барча викторина ва танловлар ғолиблари ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Зиёда РАСУЛОВА**

